

НАВБАТДАГИ АССАМБЛЕЯ — ТОШКЕНТДА

Бугун Тошкентда қишлоқ хўжалиги кредити Халқаро Конфедерацияси (КИКА)нинг ўттинчи бош ассамблеяси ўз иштини бошлади.

Ушбу ташкилот иккинчи жаҳон уруши якунлангандан сўнг ГАРБий Европанинг қатор мамлакатларидаги қишлоқ хўжалиги ва кооператив банклари ташаббуси билан ташкил этилган эди. Маълумки, ушбу мамлакатларда қишлоқ хўжалиги урушдан кейинги даврда ҳақиқий вайронгарчиликни бошидан кечирётган эди. Шу боис бутун иқтисодиётни ривожлантириш асносида қишлоқ хўжалигини ҳам ривожлантириш масаласи кўндаланг бўлган эди. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш мақсадида ушбу конфедерация ташкил этилди.

КИКА ўзининг ҳозирги кўринишида 1989 йилда таъсис этилган. Айни пайтда 36 мамлакатни қамраб олган 165 та банк ва қишлоқ хўжалиги йўналишидаги молия ташкилотлари КИКАнинг аъзоларидир. Улар орасида Кредит Агриколь (Франция), Рабобанк (Нидерландия), Дойчгесенсшафтсбанк (Германия), Райффайзенцентральбанк (Австрия) ва бошқа йирик ҳамда таъриқли банклар бор. Ўзбекистон Республикаси «Пахта банки» бу ташкилотга ўтган йили аъзо бўлиб кирган.




КИКАнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалигини молиялаштирувчи ташкилотларни халқаро даражага олиб чиқишдир.

Айни пайтда Кредит Агриколь банкининг президенти жаноб Ив Барсалу (Франция) КИКАнинг раиси ҳисобланади. Италия қишлоқ хўжалиги банклари уюшмасининг собиқ раиси, айни пайтда Италиянинг Милан шаҳридаги Банкони номидаги тижорат ва банк ишлари университетининг ректори жаноб Роберто Руоци унинг бош котибидир.

Анъанага кўра КИКАнинг ассамблеяси 2-3 кун давом этади. Унда 100-150 делегат ва 75-100 қизғин шайхлар иштирок этади. Иштирокчиларнинг умумий сони 250 кишидан ошмайди. КИКА билан ҳамкорлик қилиш мақсадимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жараёнида ва уни молиявий жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилишининг ўзига хос жиҳати шундаки, жаҳон банклари юртимизга катта эътибор қаратмоқдалар.

■ **Шоҳайдар МИРХАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**



Бухоро азал-азалдан хунармандлар юрти ҳисобланади.
Салим Шукруллаев ана шундай кўли гул ёғочсиз наққош усталардан бири. Мана 27 йилдирки, Салим ака ёғоч йўниб, турли хил портретлар ясади. Унинг ижод намуналари орасида буюк боболаримиз ва бошқаларнинг портретлари бор. Уста ижодидан намуналар турли халқаро ярмаркаларда намойиш этилиб, кўпгина мукофотларга сазовор бўлди.

Суратда: «Навбахон»лик уста Салим Шукруллаев ўз ижод намуналари билан.
■ Зуфар СОБИРОВ (ЎЗА) олган сурат


ШИДДАТ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ЗАҒФАР МАРРАСИГА ЯҚИНЛАШМОҚДАЛАР

Вилоят делаларида режадаги пахтани териб олиш шароити мавжуд. Ҳосил бор. Ҳамма гап уни ўз вақтида ва нест-нубуд қилмай йиғиб-териб олишда. Олтириқ, Учкўприк, Қува, Фарғона туманлари деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини бажариб, эндиликда режадагидан ортиқча саноат хомашёси топиримоқдалар. Бешариқ, Оқунбобо, Тошлоқ туманлари ҳам пахта тайёрлаш йиллик режасини бажариш арасида.

Бугунги кўндалар ганимат. Бободехон йил бўйи минг машаққат билан етиштирган ҳосилни нобуд қилиш муҳим. Шу боис, пахтакорларга ҳашарчилар ёрдамга келиши. Вилоят ва туманлар меҳнат ва бандлик бўлимига минглаб кишиларни пахта теримига сафарбар этмоқдалар. Шаҳарликлар ҳам ишдан бўш чоғларда, дам олиш кунлари пахта пайдалорига чиқиб пахтакорларга моддор бўлимоқдалар. Вилоятда юзга келган сафарбарлик ҳаракати ўз ижобий натижаларини бермоқда.

— Режани удаллашимизда



Ҳашарчиларнинг ҳиссаси катта бўлди, — дейди пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этган Фурқат туманидаги «Кўкўн» хўжалиги раҳбари Коримжан Жўраев. — Кўкўн давлат педагогика институти, Қўқон тиббиёт билим юртидан келган ҳашарчилар жонимизга аро кирди. Акс ҳолда терим биринчунан бўлиб кетган бўлар эди.

Ҳа, пахта мамлакатимиз бойлиги, муҳим стратегик хомашё. Бунга яқин англаган фарғоналик пахтакорлар тез орада зафар маррасига эгиллаш учун курашни шиддат билан олиб бормоқдалар.

■ **Алишер ИБРОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ХДП ХАБАРЛАРИ

ШУ КУНЛАРДА

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгашида партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ҲХДП Марказий Кенгаши, гуруҳи раҳбари С. Усмонов партия ташкилотларининг ҳозирги даврдаги долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди. Йиғилишда партия нашрларига обунани ўтказиш, ХДП туман кенгашиларининг молиявий аҳолини яқинлаш, ёшлар клублари ва депутатлар қабулхоналарининг фаолиятини жонлантириш тўғрисида фойдали тақлифлар берилди.

Наманган вилояти Уччи туманидаги Улугбек номи ширкат хўжалиги пахтакорларининг йиллик режа бажарилганига бағишланган йиғилишида Ўзбекистон ХДП сарфига қабул қилинган ёшларга аъзолик билетлари топширилди.

ЎзХДП Тўрақўрғон туман кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Қамолот» жағмармаси маҳаллий бўлиминлари ҳамкорлигида, пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларга хизмат қилувчи агитбригада ташкил этилди. Ибрат номи ширкат хўжалигининг иккинчи бригадасида меҳнат қилаётган хашарчи ва пахтакорларга концерт уюштирилди, илморларга совғалар топширилди.



Андижон вилояти Пахтабод туман партия кенгаши ташаббуси билан тумандаги давлат ҳокимияти идоралари раҳбарларининг бир гуруҳ ёшлар билан учрашуви ташкил этилди. «Партия ва ёшлар» мавзусига бағишланган йиғилишлар Андижон шаҳридаги 1-гимназия, 31-мактаб, 3-муסיқа мактабларида, Асака шаҳрининг маркази ва юқумли касалликлар шифохоналари бошланғич партия ташкилотларида ҳам бўлиб ўтди.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши ходимлари Бухоро тумани Файзулло Аллаев номи хўжаликда пахта йиғим-теримида фаол қатнашмоқдалар ҳамда теримчилар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Сергели туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Екютхон Исоқова, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан,

Сергели туман кенгаши биринчи котиби лавозимидан озод қилинди.

Собир Раҳимов туман партия кенгаши иккинчи котиби лавозимида ишлаб келаятган Лола Исмаилова Ўзбекистон ХДП Сергели туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

Халқ депутатлари Узун тумани кенгашининг сессиясида ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари террорчиларга қарши курашда қурбон бўлганлар хотирасини абадийлаштириш ташаббуси билан чиқдилар. Ушбу ташаббусни амалга ошириш учун қаҳрамонларга қўйилган ёдгорлик лойиҳалари танлови эълон қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Чкалов номидаги Тошкент авиацияси ишлаб чиқариш бирлашмасида бoшланғич партия ташкилоти томонидан ташкил этилган, «Виждон эркинлиги ва диний экстремизмга қарши кураш» мавзусида, фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби Л. Фуломов жамият ҳаётида диннинг ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталиб, маданий қадриятимиз ҳисобланмиш ислом дини гаразли йўлларда тарғиб қилинмаслиги ва, бу борада, айниқса, ёшларимиз

ўртасида кенг тарғибот ишлари юритилиши лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты В. Кучеров ўз сўзида Ватанимиз ҳудудига қуролланган халқаро террорчилар гуруҳининг суқилиб қириши кўп миллатли корхона жамоасини ташвишга солмаслиги мумкин эмаслигини таъкидлаб, бошланғич партия ташкилотини жамоада гоёвий-тарбиявий ишларни қучайтиришга, одамларнинг бирлиги ва ҳамжихатлиги, ёшларни ватанпарвар-

лик руҳида тарбиялаш масалаларига эътиборни кўчайтиришга чақирди.

Фаоллар йиғилишида сўзга чиққанлар диний экстремизмга қарши фаол кураш олиб бориш, ислохотларга тўқинлик қилувчи, айниқса, ёшлар онгини захарламоқчи бўлган кучларга қарши қатъий туриш лозимлигини ўқитиб ўтди. Йиғилишда, ҳужукбузариликнинг олдини олиш тизимининг самарали фаолият курсатишини ташкил этиш бўйича, аниқ тадбирлар белгилаб олинди.

■ **Ғани ИСЛОМОВ**



Тоғ пойида кузду садоси, Болаларнинг кўзида қувонч. Кўларини боғлаган меҳр, Она-Ватан сен бағрингни оч.

■ Шавкат АҚРАМОВ олган сурат

— Мана бу қандан табиб кўринг, — дейди Сайфулло Хайруллаев. — Ҳўш, таъми қандай экан?

— Бу қанд хорижники бўлса керак-а? Оғизда эриб кетаркан.

— Шундай дейишингизни билардим, — кулимсирайди ҳоким. — Раҳмат Номозов деган тадбиркор ишлаб чиқарапти. Аммо ўрама қоғози хирра, ўзига жалб этмайди. Ердам бераялмиш. Бундан кейин «Бешкент» деб эзилган қоғозларга ўраб чиқара бошлайди. Нархи 380 сўм. Емон эмас-а? Ҳозир қандолат цехини кенгайтираяпти.

«Равшанбек» деган кичик корхонамизда тайёрланаётган фишт ва плиталар ўта чидамлилиги билан эътиборни тортаётяпти. Мақтанаяпти деманг-у, мутахассисларнинг фикри ҳам шундай. Энг муҳими, махсулот бозорда ўз хариддорини топмоқда. Яқинда кичик корхонага 10 миллион сўм кам физик кредит ажратилди. Ҳозир янги ускуналарни олиб келиб ўрнатмоқда. Умуман, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмасак, қўлпаз масалаларни ҳал қилмаймиш.

Ҳозир 1000 дан ошқ кичик корхона, 270 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаёпти. Бозорнинг талаблари бор. Иши юришмаган 112 та кичик корхона фаолиятини тўхтати. Шунинг учун ҳам истиқболли корхоналарни қўллашимиз, шу орқали иш ўринларини кўпайтиришимиз лозим.

— Замон талаби ҳам шундай-да. Ортбосими хориж шериғи бўлмаган корхонанинг келажаги йўқ, деган эдилар....

— Албатта. Кечаги саноат корхоналари билан бугунгиларининг ўртасида катта фарқ бор.

Айни пайтда «Радиатор»

Ўзбекистон — Россия қўша корхонаси махсулотларига талаб катта. «Зафко» Ўзбекистон — Покистон қўша корхонасида кенг истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Булар анча йирик корхоналар. Аммо истиқболли кичик корхоналар ҳам

муҳокама қилинди. Иқтисодни кўтариш, одамлар турмушини яқинлаш борасида йиғилиб қолган муаммолар рўй-рост тилга олинди.

— Фалла ҳўсилдорлиги ўтган йили туман бўйича 27 центнер бўлган бўлса, бу йил 22,4 цент-

ИСЛОХОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ИМКОНИЯТ БОР, ИШЛАШ КЕРАК

аства-секин оёкка турмоқда. «Ражаб момо» фермер хўжалиги қиймати 290 минг АҚШ долларига тенг бўлган, мевасабзавотларни қуритиш ва қадоклаш ускуналари ўрнатилди. «Агрофирма» ташкилоти Осиё тараққиёт банкидан 1,5 миллион долларга тенг кредит олди, шарбат тайёрлаш ускуналарини келтириш ҳаракатида. Буларни янада ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб лозим.

— Вилотнинг пешкадами бўлган Қарши ва Шахрисабз туманларида ҳам бу йил қишлоқ хўжалигида катта қийинчиликлар кўзга ташланаяпти. Шулар ҳақида тўхталсангиз.

— Қишлоқда ислохотлар юқори натижа бермас экан, қўлпаз масалалар амалда ҳал бўлмай қолаверади.

Вилот ҳокими Бахтиёр Ҳамидов ўтказган туман фаолларининг йиғилишида ана шу ҳаётий вазифалар атрофида

нержа етди. Мана, имкониётлар бор экан-ку!

— Еки «Ипак йўли» хўжалигини олиб кўрайлик. Ажойиб тадбиркор Лев Николаевич Ким бу йилги мураккаб шароитда ҳам 70 гектар ердан 45 центнер-



Қарши тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Сайфулло Хайруллаев билан суҳбат

дан пахта етиштиришга эришди. Фермер хўжалигининг бошқа ақинлари ҳам юқори ҳосил берди. Бундан шў маъно чиқардики, ерни ҳақиқий эгасига бериш керак. Ҳақма ҳам фермер ёки пулдатчи бўла олмайдими. Кимда иқтидор ва тадбиркорлик бўлсагина яхши нон топади ва ўз навбатига юртга, одамларга нафи тегади. Демак, тузилган фермер ва пулдат жамоалари иш тутимини қайтадан ўрганиб чиқишимиз, ерни ҳақиқий деҳқонга топшириш ҳақида уйланишимиз лозим.

Бу йил кўп галла ерларининг шудгори ва экишга тайёрланиши алоҳида комиссия томонидан қабул қилинмоқда. Сувадан тежаб фойдаланиш тадбирлари тузилмоқда. Сув ичмайдиغان, ҳосилдорлиги паст бўлган ерлар ҳисобдан чиқарилмоқда ва тупроқ унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилинмоқда. Демак, эртанги галла ва пахта ҳосили ёмон бўлмайди. Умид

қилиш керак, аммо ишни бўшаштирмаслик лозим.

— Ҳар ҳолда туман бу йил ҳам анчагина фойда олarkan. Бу нихоятда қувонарли ҳол. Демак, маориф, маданият, умуман маънавиятга эътибор қучайтирилarkan. Мен уларни маблаг билан таъминлашни кўзда туяялман.

— Вилот кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида «Соғлом авлод» ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қандай амалга оширилганлиги муҳокама қилинди. Ютуқлар кўп. Коллежлар, лицейлар барпо этиляпти. Янги шифохоналар вуқудга келмоқда. Еш оилаларнинг муостаҳамлаш, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида талай ишлар қилинаёпти. Аммо қилинмаган ишлар ҳам анчагина. 10 минг нафардан ошқ кўчумчи таълим олаётган мактабларимизнинг ҳаммаси ҳам бугунги кун талаблари даражасида эмас. Айричун оталик ташкилотлар мактабларга ҳам эътибор беришляпти. Ўнлаб мактабларда ком-пьютерлар йўқ. Мактаб жиҳозлари етишмайди. Йўқ, бу иш ташлаб қўйилган эмас. Мактабларни таъмирлаш, ўқув қуроллари, китоблар олиб беришга ҳамма имкониёт сафарбар этилиб ҳомийлар жалб этилмоқда.


Китоблар ўқишни, газетажурналларга обун бўлишни кўпайтиришимиз керак. Масалан, «Ўзбекистон овози» газетасининг мухлислари, муштариолари туманда кўп. Обуна ҳам ёмон бўлмайди. Янада газетани яқин чиқаришимиз. Сизларга саломатлик, ижодий ютуқлар тилайман.

■ **Суҳбатдош: Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ёнганлиги жуда кўп тарихий ривоятларда, Амир Темурнинг хатларига ўз ифодасини топган. Амир Темур ҳамма суқули фарзандларини ва набираларини тарбиясини мана шу оқила рафиқаси қўлига топширганлиги бежиз эмас. Шохрух Мирзо ҳам, Халил Султон ҳам, Муҳаммад Султон ҳам, Улугбек Султон ҳам Сароймулкхоним меҳрини туйиб улғайишган.

Сароймулкхонимнинг нуфузи баландлигини 1404 йилда Самарқандга элчи бўлиб келган испаниялик Рио де Клавиго ҳам тасдиқлайди. Демак, Сароймулкхоним давлат аҳамиятига молик муҳим анжуманларда ҳамма вақт эркақлар билан тенг ҳуқуқда қатнашган, саройнинг олий мажлисида ўз овозига эга бўлган. Хонимнинг 1404 йил сентябрь ойида Амир Темур элчиларни қабул қилиш маросимида қатнашганини, унинг биз авлодлар учун гоёт қимматли бўлган сиймо-сувратини Рио де Клавиго қуйидагича чизади:

«...Шоҳнинг катта хотини қодирлар ёнидаги саропардаларнинг биридан чиқиб келди. Сароймулкхоним қуйидагича кийинган эди: устидан зарҳал билан тикилган, уларни ерга судайлиб турган узун ва кенг, енгисиз ва ёқасиз қизил шоҳи қўйлак. Қўйлак белидан кесиб тораитрилмаган ҳолда этагича жуда кенгайиб борган. Малика осон юриши учун қўйлаги этагини ўн бешта




МИЛЛАТ ВА ТАРИХ


БИБИХОНИМ

Уларга қўллаб дуру ноёблар, ёқут, феруза ва бошқа хилма-хил тошлар жуда чиройли қадалган. Бош кийимининг зарҳал билан тикилган ва хоним елкасига тушиб турган қисмига ҳам қимматбаҳо тошлар, дур билан безатилган чиройли тилла баргак қадалган. Қалпоқ учи бами-соли ҳажжи айвонга ўхшайди, унга фавқулодда ҳар бири икки бармоқ йўғонлигида ял-ял ёниб турган чиройли, тиник уч донга ёқут ўрнатилган. Шунинг...

дек, унга қадалган, узунлиги икки қарич оқ жиганинг айрим парлари паства эгилган. Базиллари юзу кўзга қадар тушиб турарди. Зар иплар билан боғланган ўрама охирида жигага қимматбаҳо тошлар, марваридлар қадалган бўлиб, юрганда пирпирайди. Маликанинг тим қора сочлари елкасига тушиб турарди. Улар қора сочни юксак қадрайди, ҳатто сочи янада қорайтириш учун бўйядилар. Малика қанизақлари билан бирга келди.



МАШХУР РАССОМГА НОЁБ СОВГА




Яқинда «Шлоссер-Усто» номли Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси бош директори Херманн Шлоссер атоқли ўзбек рассоми Рузи Чориевнинг устахонасида меҳмонда бўлиб, унинг асарларига юксак баҳо берди.

соми доимий ижодий ҳамкорлик қилиш юзасидан узаро келишиб олдилар.

■ Мухаррам ҒАНИХОНОВА

Суратда: Рузи Чориев ва Херманн Шлоссер.



ЎЙҚУСИЗЛИК КАСАЛЛИКМИ Э?..

Аслида ўйқусизлик касаллиги дея тушунамай. Буни ҳатто шифокорлар ҳам тасдиқлайди. Хўш ўйқусизлик касаллиги қандай тушуниш мумкин? У ахир 86 йилдан бери мижожа қочмайди. Бунинг сирини ҳатто руҳшунос олимлар ҳам билмайди.

ЯНГИ НОМЛАР

КОШТУНИЦАНИНГ ҒАЛАБАСИ

Кейинги пайтда дунё мамлакатларининг сиёсий етакчилари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, қизиқ бир ўхшашликка дуч келамиз: давлат раҳбарлигига кўпроқ сие-сат борасида унчалик танилмаган номзодлар кўтарилмоқда.



Коштуницанин Президентликка кўтарилгани ҳатто унинг ўзи учун ҳам қутилмаган ҳол бўлган. Унинг рақобатчилари Слобадан Милошевич, инкубчи Вук Драшковић ва ҳаракатчан сие-сатчи Зорана Джиндичларнинг аҳоли ўртасида юргизган оташин ташвиқотларини назарда тутадиган бўлсак, ҳақиқатда кўпчиликка номзод бўлган Коштуницанин давлат теласига келиши ажабланарли.

Унинг маслақдошларидан ҳам янги раҳбар ҳақида сўралганда «у жуда камтарин одам, ҳеч қачон кўпчиликнинг эътиборини тортмаган» дейиш билан чегараланишиди, холос.

Янги Президент ўз сиёсий фаолиятини университет домлалигиндан бошлаган эди. 1974 йилда, ҳали маршал Тито ҳукмронлиги даврида Белград университетининг бир неча ўқитувчилари қатори Коштуница ҳам ўша пайтдаги мамлакат конституциясини танқид қилиб, ҳибса олган ҳамкасбларини озод қилиш ҳақидаги хатта имзо чекади.

МИСРЛИК ХОНИМЛАРНИНГ



АХВОЛИ ҚАНДАЙ?

Ушбу савол билан Миср Араб Республикаси Қоҳира ал-Мансур университетининг профессори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Халед Эл Хамди жанобларига мурожаат қилдик

ратишингиз мумкин. Негаки, мушаккил ҳаёт кечириб ва оила бошқариш учун киши маълум ҳаётий тажриба ва билимга, ҳўнарга эга бўлиши даркор. Бунинг учун эса анча-мунча вақт талаб қилинади, албатта.

Масалан, мен магистратурани тамомлаб 29 ёшдама, Рафиқам Нодияхоним эса ўшанда 26

ёшда эдилар. Ҳозир бизнинг 5 нафар фарзандимиз бор. Шуллардан 4 нафари ўғил, биттаси қиз. Дарвоқе, Мисрда 4 ёки 5 болали

оилалар энг катта оила ҳисобланади. Кўпчилик фарзандлар сонини иккитадан оширмаслика ҳаракат қилади.

Сизларда гўдак тарбияси учун оналарга уч йиллик таътил бериларкан. Бизда бундай қонун йўқ. Аёлларимиз чақалоқлари тўрт ойлик бўлгач, уларни махсус энагалар тарбиясига топшириб ишга қишлари шарт. Болалар 4 ёшгача энагалар қарамоғида бўладилар. 4 ёшдан 6 ёшгача эса мажбурий боғча тарбиясини оладилар. Кейин араб ва инглиз тилларини ўрганиш машғулотларига қатнайдилар.

Ўғилларим Мухаммад, Абдурахмон, Ҳасан ва Амирлар спортга ва тижорат соҳасига қизиқишади. Қизим Нуҳа эса расм чи-зишни яхши кўради. Умуман, фарзандларимизнинг ҳаммаси мусиқа ишқибозлари. Бироқ ҳеч қайсиниси

бирорта мусиқа асбобини чалишни, ҳатто ушлашниям билишмайди, фақат компьютерлар орқали ба-жаришади ҳаммасини. Бу ерда мен қичкина-қичкина ўғил-қизчаларнинг ўз қўллари билан берилиб мусиқа чалишларини кўриб ниҳоятда ҳавасим келди. Ундан кейин ўзбекистонлик болалар мактаб пайтидаёқ ҳўнар ўрганиш курсларига қатнашаркан. Мисрда эса бу жараёнларнинг ҳаммаси умумий таълим мактабларини тамомлагач, яъни 18 ёшдан сўнг амалга ошади.

Мен Ўзбекистонга тўрт ойлик хизмат сафарига — Ўзбекистон тўпроғини ўрганиш ва тадқиқ этиш мақсадида келганман. Ростини айтсам, Ўзбекистоннинг тўпроғи, табиатигинамас, шу ерлик халқнинг феъл-атвори, турмуш тарзи ҳам менга ниҳоятда манзур бўлди. Агар ил-ложи бўлганда, мен Тошкентда кўпроқ вақт қолиб меҳнат қилишга жон-жон деб рози бўлур эдим.

■ Замира ЭҒАМБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

— Мисрлик хонимлар ҳар жиҳатдан эркаклар билан басма-бас яшага ҳаракат қиладилар. Улар орасида вази-рлар ҳам, ректорлар ҳам бор. Ҳатто, телевидениемизнинг раҳбари ҳам аёл кишидир. Кийиниш ва муомала маданияти масалаларига келсак, улар сизлардан деярли фарқ қилмайдилар. Ҳатто, ўзбекистонлик аёллар мисрлик хонимларга қараганда бироз сипороқдек туюлапти, менга. Бизда асосан қизлар 25-27, йигитлар эса 30-35 ёшда турмуш қурадилар. Бунинг сабаби шундаки, бизда тўй қилиш унчалик осон эмас. Биринчидан, қизга каттагина миқдорда қалин пули берилиши зарур. Бўлажак кўев эса ҳар жиҳатдан оилани таъминлаш учун тушгача битта, тушдан кейин иккинчи бир корхонада ишлаши шарт. Энг муҳими, тўйга кетадиган сарф-ҳаражатларнинг ҳаммасини келин билан кўев ўз пешона терлари билан топган бўлишлари керак. Бизда никоҳ ёши қонун томонидан чегараланмаган. Бироқ 22-23 ёшда турмуш қурганларни фақат аҳён-аҳёндагина уч-



АҚШНИНГ НАВБАТДАГИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ БЎЛАР ЭКАН?



Ҳа, тез кунларда янги Президентнинг номини билиб оламиз. Ким бўлганда ҳам бу ном бизга таниш ў ҳарфдан иборат: Гор ёки Буш. Улар ҳозир сайловда

тадбирларига зўр беришмоқда. Биргина октябр ойининг ўзида уларнинг ҳар бири бундай тадбирларга 15 миллион АҚШ доллари сарф қилишган.

«ҚИЗИЛ КИТОБ» «СЕМИРИБ» БОРМОҚДА

Ҳа, афсусли, шундай. Бу китобнинг «семириши» бизни қувонтирмайди. Аксинча даҳшатга солади. Бузғунчи инсоннинг бузғунчи қўллари етиб бормаган жой ҳам қолмади ҳисоб. Унинг дастидан наботот оламининг айрим турлари ва ҳайвонот дунёси қўпайиш ўрнига қамайиб, ҳатто йўқолиб бормоқда, деган тушқун хулосага келишди яқинда Лондонда чоп этилган янги «Қизил китоб»нинг муаллифлари.

Уларнинг ҳисоботларига кўра, 11046 тур ҳайвон ва ўсимликларнинг келажаги хавф остида. Урмонларнинг оммавий кесилиши ва шиддаткорона овчилик айрим жонот турларининг табиий равишда қамайи-шини 50 марта тезлаштириб юбормоқда. Ҳайвонот оламидаги бундай қўрғиш айниқса Хитой, Ҳиндистон, Индонезия ва Бразилияда хавфли тус олмақда. Ўсимликлар дунёси бўйича эса хавфли «чегара» Марказий ва Ғарбий Африкададир. Шунинг учун ҳам «Қизил китобга» тиркалганлар рўйхати тобора қўпайиб, «бечора» китоб семиртандан-семириб бормоқда.

ЭРИНМАЙ ОВҚАТЛАНИНГ

XX асрнинг шиддаткор воқеаларини инсоннинг тезлик сари инглишии баробарида у вақт қадрини ўта қуқур «тушунадиган» бўлиб қолди. Айрим улкаларда оданзот овқатланишга ҳам вақтини қизғанади. Йўл-йўлакка еб кетилдиган «чипс»лар «хот-дог»лар бекорга ўйлаб топилмаган. Лекин буларнинг бари инсон саломатлиги олдида бир пул қадри йўқ. Ўз ота-боболаримизнинг барибир билгани — билган экан. Уларнинг овқат алоҳида иштиёқ билан, оила жамуламаллигини сақлаган ҳолда баруржа бир дастурхон атрофига ўтиришини эсланг.

Гап шундаки, «чипс»лар, ширин нонли қаламчалар ва бошқа озиқ-овқат махсус-лотлари «гидрогенезация ўсимли» яъни водородни қўшиб ёзи орқали ҳайдаш йўли билан тайёрланади. Бу усулда айрим молекулар еб кислотасининг трансизомери (гарқиб ва молекуляр оғирлиги бир, тузилиши ва физик-химевий хусусиятлари бошқа-бошқа бўлган моддаларга айланади. Бу эса ферментлик қилган, директор ухлаб ётган пайтда шам ёқиб Биби-хонимни томоша қилган.

Геннадий Попов ҳам айнан Виктор Викторов айтган йўсини Биби-хоним сиймоси, тобутдаги ҳолатини айтади. Айтгандай унинг қўшимча қилишича, Биби-хонимнинг битта жимхилоғи бармоғи йўқ бўлган. Унинг тушунтиришича 1941 йилдан ташқари Биби-хоним қабри 1927 йилда ҳам бир марта очилган. Унингча гўё ундан олдин ҳам Биби-хоним қабри ўғрилган томондан очилиб ўшанда ўғрилган унинг жимхилоғидан бебаҳо узук чиқмагандан сўнг жимхилоғини ҳам кесиб олиб кетган. Шунингдек, унинг ёнига қўйилган бошқа хазиналарини ҳам олиб кетган бўлса эҳтимол. Нима бўлганда ҳам катта ўғрилган ким бўлганлигини энди халқимиз билади.

■ Маскуд манбалар асосида Шафқат РАҒМАТУЛЛО ва Абдурауф ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Маликанин юзига офтоб туширмаслик учун бир киши найзасимон таёқча ўрнатилган соябон тутиб келарди. Худди чодирнинг тепа қисмидай дум-думалоқ қилиб оқ шохидан ясалган соябон халқасимон ёғоч қизикча тортилган эди. Ҳарам оғалари аёллардан олдинда борар эдилар. Шундай қилиб, хоним шох ўтирган қўшқка келиб, Темурбекдан бироз орқароқда жойлашди. Хоним олдида кўрпачалар таҳлами турарди. Хонимни кузатиб келган аёлларнинг ҳамма-

жасоратлари учун жуда яхши кўрарди. У ўшанда босиб-яничи келаётган ҳинд филларини қочиршининг йўлини топиб жангини қўшқа қурсатди соҳиб-қирон қўшинларий фойдасига ҳал қилган эди. Ҳинда у даҳшат солиб келаётган филларга қарши ҳашир, тўя эшакларни жамлаб, барининг устига хас-хашак ортиб, ўт қўйдириб юборди. Бу ёнаётган жониворлар жон-жаҳда ўзларини қаршидан келаётган филларга урди. Филлар бу ёнар маҳлуқлардан қўрқиб қайрилиб

ятни юмшатади, Шоҳмалик ва Шаёх Нуриддинларни уртага қўйиб шаҳзодага афв олиб беради.

2. БИБИХОНИМНИНГ ОЛТИН ДАРАХТИ

Рюи де Клавихо ўзининг Амир Темур саройида яшаган кунлари кўндалигида, элчиларни бир кун Сароймулхоним ўз сароюларидида қабул қилиб, уларга ўзининг ноёб бисотларини намойиш қилганлигини завқ-шаҳ билан ҳўқоя қилади. Элчиларни лол қилган нарсаларининг энг асосийси Биби-хонимнинг олтин даракти бўлади. Рюи де Клавихо дарактин одам бўйича, пояси эса одамнинг сонича келишини айтади. Айниқса, дарактин барглари, новдалари, мевалари шунақа нафис ишланган эдики, бундан ҳайратланмай илж йўқ дейди. Бундан ташқари, даракт шохлари олтин қўшчалар бўлиб, уларнинг ҳар бирининг тумшугида бебаҳо тенгиз тошлар, ёқут, олмаос, феруза-нур сочарди деб таърифлайди. Амир Темур вафотидан кейин мана шундай бебаҳо санъат мўжизалари ҳам исзис йўқ бўлиб кетган. Борларини ҳам кейинги бир ярим асрлик мустамлака даврида Москва, Ленинград музейларига, кўп қисмини эса «Буюк оғалар ўз шахсий хазиналарига турли йўллар билан ўғирлаб кетишган.

3. БИБИХОНИМНИНГ ЙЎҚОЛГАН БАРМОҒИ

ТЕРМИЗДА ЯШАГАНМИ?..

си қўшқдан ташқарига жойлашдилар». Тарихдан маълумки, Биби-хоним базий гуноҳдорларнинг гуноҳларидан ўтишни ҳам Амир Темурдан сўраб оларди. Соҳибқироннинг Биби-хонимдан бўлак аёлларида бундай имтиёзлар камдан-кам бўлган, бошқаларга амир изн бермаган. Шундай воқеалардан бири Амир Темурнинг севишли невараси Халил Султон билан бўлади. Бу шаҳзодага бо-боси айниқса Хиндистонда бўлган урушларда курсатган тадбиркорлиги ва

қочиб бутун ҳинд лашкарининг ўзини яқсон қилиб кетди. Халил Султон бир қариндошининг қизига ўйлантирилган эди. Лекин у нуфузли амирлардан бири бўлган Ҳожи Сайфиддиннинг соҳибжамол чўрисы Шодимулқин яхши кўриб қолади ва уни Ҳождидан тортиб олиб, никоҳ ўқитиб, ўйланиб олади. Буни эшитиб Амир Темур дағзаб бўлади ва шаҳзодага тутиб қамашни буюради. Шунда Халил Султон сукули мо-моси паноҳига боради. Сарой-мулхоним орага тушиб вази-

билан боққан кекса рус ёзувчиси Виктор Викторов мавзу қидириб Тошкентга тез-тез келиб турарди. Шундай келишларининг бирида Тошкент кўчаларида сайр қилиб юриб, Тошкент амалии санъат музейи рўнарсидан чиқиб қола-ди ва томоша қилгиси келиб қиради. Музей директори меҳмонни музей заллари бўйлаб олиб юриб суҳбатдош-лик қилади. Музей ниҳоят да-ражада миллий ва бой эканлигини Викторов тўқинлигини гапирди. Томоша сўнггида директор хоҳласангиз Биби-хонимни кўрсатаман дейди. Виктор Викторов ҳайрон бўлиб қанақа Биби-хонимни деб сўрайди. Директор машҳур Амир Темурнинг севишли хотини, Турон маликаси Биби-хонимни деб, уни бир хо-нага олиб қиради ва тўрт бурчак кутининг устидан ёпилиқ матоҳни шартта сидириб олади-да, ана Биби-хоним дейди.

Ҳақиқатан ҳам ойнаванд қути ичига жойлаштирилган ёғоч тобутда мумийланган ва қуриб қичрайиб қолган, дудо-бо қиймадга аёл тўхтаб деб эслайди. Унинг сочлари опоқ экан, юз терилари ҳам билин-маган эдики, биринчи эса ўсиб кетган эди деб эслайди кекса ёзувчи. Кейин у музей директоридан, буни қаердан топадигиз деб сўраган. Директор унга 1941 йилда Амир Темур қабри очилганда Биби-хоним қабри ҳам очилгани, уларнинг хоки Тошкентга олиб келиниб, Биби-хоним эса бу ерда қолиб кетганини ҳўқоя қилиб берган. Шундай қилиб Биби-хонимнинг Самарқандда-

4

5

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Одатда адабиётшунос ва мунаққидларнинг ҳам худди шоир ва ёзувчилардек умр бўйи ўзи суйган, танлаган мавзу-муаммолари бўлади. Зеро, ҳар соҳадан бир шингилдан кўра ўз иқтисодига хос мавзунини атрофича, чуқур ва кенг тадқиқ этиши самарали натижаларга етаклайди. Филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳафиз Абдусаматов ана шу тоифадаги олимлар сирасига кирди. Кузатишимизча, бирор-бир ўзбек адабиётшуноси ёки мунаққиди домладек асосан ўзбек драматургияси ва театри тарихи назарияси таъдидини масалалари билан шуғулланмаган.

Турларидан фарқини, ўзига хослиги, етакчи ва бош хусусиятларини жуда асосли, аниқ мисоллар асосида ёритиб беради. Айни чоғда драма жанрлари — трагедия (фоэзия), комедия, драма (тор маънода)лар ўртасидаги фарқ ва айирмалар, жанр белгилари ва сифатларини ҳам илмий-назарий жиҳатдан тўғри тахлилини берган. Профессор Ҳ. Абдусаматов шулар билангина чекланиб қолмайди, балки мелодрама, оперетта, опера, водевил, мусиқа драма-ларга хос энг муҳим белги, хусусиятларини ҳам илмий-назарий жиҳатдан етарли тадқиқ эта олган. Жумладан, айрим-айрим опера-драма билан мусиқа драма билан бир хил деб ҳисоблайди. Лекин тадқиқотчи ҳар икки тур ўртасида фарқ ва айирмалар борлигини илмий асосда исботлаб беради.

Тадқиқотнинг яна бир фазилати муаллифнинг драма нутқи муаммоларига алоҳида эътибор қаратганидир. Маълумки, тил ҳар қандай бадиий асарнинг, хусусан, драматик асарнинг ҳам асоси. Муаллиф шу қоидадан кейин чиқиб, драма асарини нутқини ўзига хос шаклда намоён бўлишини, персонаж тил-нутқининг индивидуаллаштиришдаги адиб маҳорати масалаларига ҳам кенг ўрин беради. Хулосалар эса миллий драма нусулалари асосида ўз умумлашмасини топади.

Маълумки, ҳар қандай драма асари фақат сахнада — театрдагина ўз маъноси топади. Шу тўғрисида профессор Ҳафиз Абдусаматов ўзининг ушбу «Драма назарияси» асари билан ўзбек адабиётшуносии тарихида илк бор алоҳида ва мукаммал тадқиқот яратиб, сўзсиз адабиётшуносиянинг тараққиётига муҳим ҳисса қўшди. Хусусан, республикамиздаги санъат ва маданият аҳиллари, аспирант ва талабалари учун зарур ўқув дарслик сифатида бемалол фойдаланиши мумкин, албатта.

Шу қаторида Вазирлар Маҳкамасининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарорининг моҳиятини жойларга тушунтириш бўйича амалий ишар қилинмоқда.

Ўқтам ҲАЙИТБОВ, Хукуқий маърифат тарғиботи маркази бошлиғи



Ўртимизда «Футбол-шоу»ларнинг ташкил қилинаётгани кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Иккита кўнгилочар тадбир — футбол ҳамда эстрада артистларнинг чиқишларининг уйғунлиги ишқибозлар олқишига сабаб бўлмоқда. Кўни кеча «Пахтакор» марказий уйғунлигида ўтказилган «Футбол-шоу» ҳам бетакор воқеаларга бой бўлди. Тадбирда эстрада юлдузлари, танкили футболчилар майдонга тушдилар.

Суратларда: ана шу хайрли тадбирдан лавҳалар.



БОШ МУҲАРРИР

Азим СҮЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ

Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ

Ислом ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

Алимкул СУЛТОНОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ

(бош муҳаррир ўринбосари «Голос Ўзбекистана»)

Бахтиёр ҲАМИДОВ

(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

Валерий ЛАБЕРЕШНИХ

(масъул котиб — «Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сўбат ва хуқуқ — 133-44-55

Иқтисодий — 133-76-04

Маълумот — 133-07-20

Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16

Ахборот — 133-12-56

Котибхона — 133-21-43

Режама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80

Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
- Бухорода — 23-51-40;
- Гулистонда — 25-16-22;
- Жиззахда — 3-29-44;
- Навоида — 3-39-20;
- Наманганда — 6-43-43;
- Нукусда — 222-70-12;
- Самарқандда — 35-20-54;
- Тошкентда — 136-53-16;
- Ураччида — 226-51-35;
- Фарғонада — 26-46-84;
- Қаршида — 4-61-35;
- Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР Кўчаси, 32-уй.

Навбатчи

Юсуф Жўраев

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи-дастурчи

Икром ИСМОИЛОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ғўяқалдан ўттиш тартиби

№ 0004

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ.

«Ўзбекистон овози»

материалларини кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 702

Топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.30.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРҲДА

ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ БАРКАМОЛЛИК БЕЛГИСИ

Хуқуқий маданият инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий-амалий, мафкуравий фазилатлари йиғиндиси, шунинг ва дунёвий қарашларнинг жаммуиси ҳисобланади. Хуқуқий маданият маркази (абстракт) тушунчани ёки аниқ фаолиятини, ижтимоий жараённи ёки руҳий тафаккурини — унинг мазмун-моҳиятини, шаклини жараён ва моддий таркибини таҳлил қилиш мумкинлиги деган савол туғулиши табиий.

Инсон ҳақиқий мавжудот экан, унинг икки қаноти — маънавият ва хуқуқий маданиятдир. Инсонга ана шу икки нарса уйғунлашса, у баркамолликка эришади.

Хуқуқий маданият — инсоннинг руҳияти, онги, тафаккури, ҳиссиёти ва вужуди орқали шаклланади. Бугунги кунда Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан аҳолининг хуқуқий онгини ошириш бўйича бир қанча ишар амалга оширилмоқда.

Айниқча, жамиятда қонун йўли билан ўрнатилган қоидалардан ташқари «ўз қоидалари» билан яшаш ва унинг устига бошқаларга «ўрнат» кўрсатиш каби амалларни бартараф этиш, бунга оила аъзоларининг, уларнинг хуқуққа бўлган муносабатининг салбий таърада шаклланиб қолишининг олдини олиш бош вазифамиз.

Бу ерда гап бойликка, мулкка қирс қўйиб, фақат истеъмолчи сифатида кун кўраётган шахслар хусусида борар экан, бундайлар меҳнапти эвазига эмас, балки қалб-қалблик эвазига маънаводор бўлишни афзал кўрадилар. Бу хусусиятлар эса оилада ёшларнинг манфаатлари, қизиқишлари, дунёқараш, жамиятга ва атрофига ҳақ бўлиш бўлган муносабатларнинг шаклланишига салбий роль ўйнайди. Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази жамоаси жамиятимиздаги бундай салбий амалларнинг ҳалос бўлиш учун одамларнинг хуқуқий билими, маданиятини оширишнинг олдинги муҳим вазифа деб билади.

Шу қаторида Вазирлар Маҳкамасининг Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарорининг моҳиятини жойларга тушунтириш бўйича амалий ишар қилинмоқда.

Ўқтам ҲАЙИТБОВ, Хуқуқий маърифат тарғиботи маркази бошлиғи

СПОРТ

Ўртимизда футболни ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, халқаро нуфузини оширишга катта эътибор берилмоқда. Футболсеварлар эса ўша Бразилия мухлисидан сира қолишмайди. Футболга давлат аҳамиятига молик масала деб қараб, уни ривожлантиришга бағишланган иккита қарор эълон қилинган. Ҳўш, бундай саяё-ҳаракатларнинг самараси қандай? Ўртимизда моҳир, лаёқатли, абжир футболчи топилаётганими? Ўшунга жавоб бериш учун шароит етарли эмасми? Очигини айтиш керак, ҳамма нарса муҳайё. Фақат ишлаш, тинимсиз ишлатиш керак эди. Ана ўшунда имкониятлар юзга чиқарилди. Энди миллионлаб мухлислар қалбига доғ бўлиб қолган шармандали мағлубиятини қандай қилиб ювсамиз?

Кўни кеча Республика футбол федерацияси ижроқўмитининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлди. Унда бир масала, у ҳам бўлса миллий терма жамоамизнинг Ливанда ўтказилган Осиё футбол чемпионатидаги сусткашлиги муҳокама этилди. Аёнки, бош жамоа Ватанимиз юзи, кўзи. Футболимиз нуфузини ошириш йўлида нимаики қилинаётган бўлса бош жамоанинг кўрсатган «кармати»да аён бўлди. Тўғри, бош жамоа мураббийларга ёлчимаётди. Бу йўлда турли тадбирлар қўлланилмоқда. Керак бўлса хориждан мутахассислар чақирилмоқда. Ҳаракатлар эса зор кетмоқда. Осиё чемпионатиға бор-йўли икки ярим ой қолганда шу куннинг тахрири билан мураббийларидан саналган Юрий Саркисянга-жамоанинг топширилиши ҳам шундан. Махжидда «бўзлаган» Саркисян эса «бу қиска фурсатда қўлимдан нима ҳам келарди»дан нари ўтмади. Албатта, бўлар иш бўлганда кейин баҳона топилавермади. Айтгайлик бош жамоа Ливандан зафар билан қайтганда сўзсиз бундай устозга мадҳу санолар ўқи,

қиска фурсатда ҳамма нарсани қойиб қилди дейдиларми-ди? Демак, Саркисян ўзининг имкониятларидан тулқ фойдаланмаган. Хорижга чоғланган футболчилар билан тиллашолмаган, уларнинг қалбига қўл соллолмаган. Оқибатда эса ҳар бир учрашувда бир бутунлик, аҳиллик, ўзаро ҳамкорликни сезмадик. Тўғрироғи, легионерлар ўзича, бошқалари ўзича ҳаракат қилиб кўзланган мудоао рўёбга чиқмай қолди.

ти жисмоний имконияти қачон жунбушга келади, деган нарса кўпчиликни қизиқтиради. Албатта, руҳий ва жисмоний имкониятлар уйғунлашсагина футболчида ватанпарварлик ҳисси уйғониши, уларга миллионлаб нигоҳлар қадалиб турганини фаҳм этиши ва жонини жабборга бериши мумкин бўлади. Демак, ҳар бир футболчининг бош жамоага жалб этаётганда унинг нафақат маҳорат соҳиб эканини балки, инсоний ҳислатлари-

чиққан бошқа ўртоқлар ҳам ўз мулоҳазаларини ўртага ташлашди. Хусусан, кейинги пайтларда мураббий, ҳакамлар кўпроқ ўзларини уйлашаётганини, ҳатто келишилган уйинларга йўл қўйиб, порахурилик юзга келгани айтиб ўтилди. Агар ҳар бир профессионал ўз зиммасидаги бурч ва вазифани сикқидилдан адо этганда бундай аҳволга тушмасдик. Тўғри, футболчиларда ватанпарварлик, элим, юртим дейиш каби фазилатлар бўлиши шарт. Зеро, чет эл тахрибасидан аёнки, профессионал легионерлар ўзга юрт ва клубларда ҳам астойдил маҳорат кўрсатиб шартнома шартларини бажаришга бел боғлайдилар. Кўриниб турибдики, ҳамма нарса интизом ва масъулиятга бориб тақалмоқда.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. Миллий терма жамоа бош мураббийи Юрий Саркисян, Республика футбол федерацияси бош котиби



ёки Осиё футбол чемпионатининг аччиқ сабоғи

ЎЙИНИДАН ДОҒМАН

Анчагина қўзилган бу мажлиса Республика футбол федерациясининг бош котиби тузукроқ сўзламай, истеъфоға чиқмакан, деб қўя қолди. Махжидни бошқараётган Республика футбол федерацияси президенти З. Алматов айди-ни тан олиш, ўз сўраш, ҳар қандай ҳазоға лойиқликни эътироф этишдан осони борми? Миллионлаб мухлислар олдида йўл қўйилган хатоларни рўй-рост айтиб, улардан ким кечирим сўрайди, деган масалани қўйди. Қачон футболимизда техника, тактик услулбар тақомилга етказилди. Биламизки, футболчиларимизда маҳорат етарли, лекин уларнинг жисмоний етуқлиги билан ким шуғулланади? Шу ўринда футболчининг маҳора-


ни ҳам инобатга олиш керак. Сўзга чиққан Республика спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов кўнгилчанлик, ҳар бир нарсаса андиша билан қараш, мурасасозлик оқибатида футболимиз ана шундай ноҳус ахволга келди, деди. Футбол клублари жисмоний профессионалликка ўтказганимизда умид учкунлари пайдо бўлган. Нега энди профессионал клублар бўлган талаб ва мажбуриятларга юзак қаралмоқда. Футболимизнинг равақини ўйлайдиган бўлсак, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш зарур. Бунинг учун мактаблар ва футбол интернат-мактабларида таълим-тарбия ишларини юксак савияга кўтариш лозим. Музокарага

■ Ҳайдар НОСИРОВ

«ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР» УЙЛАНМАСИ

Қуйдаги сўзларни топиб шаклга «занжир» ҳолида ёзиш билан наботат олинган оид билимингизни синиб кўринг:

1. Невастион дамламаси қон босимини туширувчи, ёввойи ҳолда ўсувчи дарахт.
2. Тоғлик максанининг тош тупроқли қояларида ўсувчи, танасидан дори тайёрланадиган гиёҳ.
3. Қуритилган мева.
4. Шарқ табиобатида қадимдан қўлланилиб келинаётган захарли чўл ўсимлиги.
5. Таъми аччиқ, ҳосили иштаха очувчи сабзавот.
6. Нордон таъмили, илдири доривор ҳисобланувчи тоғ ўсимлиги.
7. Ибн Сино таъкидлашча, гулини қўйиб боғланса, қон оқшиға фойда қилувчи соябондошларга мансуб бир йиллик ўт.
8. Чигити қўздирувчи ва юмшатувчи хусусиятга эга бўлган техника экни.
9. Уруғидан хушбўй эфир мойи олинадиган бир йиллик ўсимлик.
10. Табиобат илми бобокалонининг эътирофича гуллари тозаловчи ва суолтирувчи хусусиятга эга бўлган бута ўсимлиги.
11. Илдиридан шифобахш елим-мум олиннадиган чўл ўсимлиги.
12. Адир ва тоғларда ўсувчи, барча тўғулларидан ментол олиннадиган ўт туркуми.
13. Эртагилаш ширин қўл мева.
14. Қўглаб етиштириладиган таом, ҳазм қилувчи сервис сабзавот.
15. Ўсимлик танагини қоплаган, баъзи тури шифобахш қисм.
16. Чирмашиб ўсувчи таркибиде каротин, қахва кислота, алкалоидлар бўлган бегона ўт.
17. Хуштаъм сўт ва мой олиннадиган тропиклардаги океан соҳилларида ўсувчи доим яшил пальмадошларга мансуб дарахт.
18. Барги шифобахш духаклилар оиласига мансуб қўл йиллик гиёҳ.
19. Кенг тарқалган шифобахш ва йирк баргли қўл йиллик ўт.
20. Халқ табиобатида илдири дамламасидан фойдаланилувчи бир йиллик ўсимлик.
21. Марказий Осиёда кенг тарқалган илдирилоғи йўғон ўсимлик.
22. Балғамни кўчирувчи, сариқ касалини даволашда наф берувчи, ўтлоқ ва экинзор ўсимлиги.
23. Уруғидан ёғ олиннадиган жануб экни.
24. Серсув, ширин ҳосили йирк поллиз экни.
25. Еги баданини қувватли қилиш, ҳаракатта мойил қилувчи ва ҳароратни сундириш хусусиятига эга бўлган доимий яшил дарахт.
26. Уруғи ва илдири яралар учун фойдали ҳисобланувчи сув гули.
27. Манзарали, доривор ва зиравор ўсимлик сифатида Ўзбекистонда кўп ўстириладиган хушбўй экни.
28. Халқ табиобатида ва илмий шифокорликда кенг фойдаланиладиган хушманзара ўсимлик.
29. Қайнатилгани ва қовурилгани тиш огригини босувчи С витаминига бой пивзбошли қўл йиллик экни.
30. Ҳосили ва



ФМТ-1

“Ўзбекистон почтаси” Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета 220

Ўзбекистон овози

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси 220

Ўзбекистон овози

Обуна	янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
		Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

«Ўзавтотрансбўлаш» очик акциядорлик жамияти бошқаруви «Ўзавтотранстайминот» республика концерни бошқаруви раиси А. А. Абдувалиевага волидан мухтарамлари

МУКАРРАМ онанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

«Нефттранс» бошқармаси «Ўзавтотранс» Давлат акциядорлик корпорацияси раёсат аъзоси, «Ўзавтотранстайминот» республика концерни бошқаруви раиси А. А. Абдувалиевага волидан мухтарамлари

МУКАРРАМ онанинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

Тошкент шаҳар Суд тиббий-экспертиза бюроси, тиббий-криминалистика бўлими суд тиббий эксперти Алланазаров Нуриддинга олмас

МУНАВАР АЛЛАНАЗАРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.